



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2016-yil, 21-iyun. Seshanba • 72 (32.131)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ШХТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ШХТ саммитининг пойтахтимиздаги халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этиши расман тасдиқлангани таъкидланди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф қузатувчи давлатлар, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида иштирок этади.

Мажлисида ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШХТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев ҳам қатнашади.

ШХТ саммитида халқаро ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Носировнинг маълум қилишича, тадбирда иштирок этиш учун Тошкентга ШХТга аъзо давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларининг қарийб 1000 вакили ташриф буюради.

Булажак ШХТ саммити давлат раҳбарларининг юбилей мажлиси бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланади.

Давлат раҳбарлари мажлиси кун тартибига мувофиқ, ШХТ доирасида серкирра ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этади, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасида фикр алмашади.

Давлат раҳбарлари учрашуви якунида асосий ҳужжат — ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси қабул қилинади. Унда ташкилотнинг сўнгги ўн беш йиллик фаолияти, аъзо давлатларнинг ШХТни ривожлантириш истиқболларига нисбатан келишилган ёндашувлари, шунингдек, жорий халқаро ҳамда минтақавий вазият бўйича позиция ўрин олади.

Давлат раҳбарлари 2025 йилгача ШХТни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга доир 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси ва ШХТни ривожлантириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди.

ШХТнинг бўлажак саммити Ўзбекистоннинг ташкилотга раислигининг сўнгги тадбиридир. Ўзбекистон раислигида ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш, ташкилот доирасида сиёсат, ҳавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқалар соҳаларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлажак мажлиси кун тартибини мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

ШХТ саммити арафасида Тошкентда ташкилотга аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қатор учрашувлари ўтказилди. ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг 21-22 июнь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги йигилишида маданият ва санъат соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

22-23 июнь кунлари ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва Банклараро бирлашма кенгашининг ҳам мажлислари ўтказилади. Уларнинг доирасида ташкилотга аъзо ва қузатувчи давлатларнинг ишбилармон ҳамда молиявий доиралар вакилларининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида иштирокини фаоллаштириш ҳақида фикр алмашуш мўлжалланмоқда.

ШХТ саммити ҳужжатлари бўйича якуний келишиш мақсадида 20-22 июнь кунлари ШХТга аъзо давлатлар миллий координаторлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА

МАТБУОТ МАРКАЗИ САММИТГА ТАЙЁР

Тошкент шаҳрида 23-24 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. ШХТга Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида саммит олдида кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

ШХТ саммитини ёритишда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларидан икки юзга яқин вакил, мамлакатимиздан қарийб икки юз журналист қатнашади.

ШХТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаолияти самарадорлиги ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ШХТнинг Тошкент саммитини нафақат маърузчи ташкилотга аъзо, қузатувчи, мулоқот бўйича шерик ҳамда меҳмон сифатида тақлиф этилган мамлакатлар, балки бошқа кўплаб давлатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, ахборот агентликлари, интернет нашрлари ва телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли

ва тезкор ёритиш учун «Ўзэкспомарказ»да барча қулайликларга эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий техника — электрон намойиш стендалари, компьютерлар, принтерлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар, телефон билан жиҳозланган, юқори тезликдаги Wi-Fi ва симли тизимлар орқали Интернет тармоғига уланмиш имконияти яратилган.

Матбуот марказида саммит арафасида ва анжуман кунлари журналистларнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

ЎЗА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ



Бугунги санъат саройи

ФАРҒОНА: БУГУН ВА КЕЧА

Кеча Фарғона шаҳри қай аҳволда эди? Туманлари, қишлоқлари-чи? Пастқам ва кўримсиз уйлар, мослаштирилган бинолардаги тиббиёт, таълим муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, тор-у танг кўчалар, ўйдим-чуқур йўллар кишининг кайфиятини бузарди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида беўхшов саноат корхоналари жойлашганди...

4



Кечаги маданият уйи

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

Чиноз туманидаги Муסיқа ва кўрик-танловининг Тошкент ви-санъат мактаби бузун партия-мизнинг ёш аъзолари, хайрихоҳлари билан гавжум. Бу ерда ҳадемай «Ёш сиёсатчи — 2016»

кўрик-танловининг Тошкент ви-лоят босқичи бошланади. Тантаналар залига кираверишдаги фойеда иштирокчилар суҳбатлашиб туришарди.

БИЛИМЛИ, САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

партиямиз таянчи

— Жуда ҳам ҳаяжонланганман, — дейди олмалиқлик Шаҳноза Бакирова. — Шаҳар босқичидан ўтиб, вилоят босқичига етиб

келдим. Орзуим — бу синовда ҳам муваффақиятли қатнашиб, республика босқичига чиқиш.

Бошқа иштирокчилар

ҳам Шаҳнозанинг ҳолатида эди. Танлов бошланди. Қатнашчилар бирма-бир саҳнага чиқиб келишди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИҢ!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

- Ўша саҳифа
- Партиясиз ҳаёт
- Худудий партия елчилари
- Ўқув
- Сайловдор ақсури
- ОАВ ўқиш намунаси
- Алоқани

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ

Диккат Танлов!

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

Ўзбекистон раҳбарлари

Ўқув намунаси

www.xdp.uz

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИШНИНГ замонавий технологияларини қўллаш — давр талаби

www.xdp.uz

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ

Буюк ипак йўлининг шонли тарихини биргаликда яратган



Мамлакатларимиз ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борада инвестиция сорфлаш учун барча имкониятларга эгадир.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик «Буюк ипак йўлининг иқтисодий «белбони»ни биргаликда яратиш ва ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик самарасида янги босқичга кўтарилмоқда.

3

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОНҚА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТУМАНДАГИ ПОЛИКЛИНИКА ВА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ-ДИАГНОСТИКА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ, ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

ЎЗХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТАРҒИБОТИДА СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИ ҲАМДА ЛИДЕРЛИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ» МАВЗУСИДА СИЁСИЙ ЎҚУВ ЎТҚАЗИЛДИ.

МИНГБУЛОҚ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИДА ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАМДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА МУНОСАБАТ БИЛДИРИБ БОРИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КАСБИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

■ «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танлови давомида ёшларнинг 100 нафардан ортиғи партиямиз сафига қабул қилинди.

БИЛИМЛИ, САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР партиямиз таянчи

Биринчи — савол-жавоб шартли танловнинг энг қизиқ шартли ҳисобланади. Чунки бунда қатнашчилар ўз имкониятлари, билим даражаларини синовдан ўтказишадди. Партиямизнинг Сайлов-олди дастури, сиёсий партиялар фаолияти, Олий Мажлис палаталари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятига оид саволларга иштирокчилар дадил жавоб қайтаришди.

— Бунёд билан баробар ҳаяжонданаман, — дейди **Ангрен шаҳар кенгаши раиси Шохрух Мирза-ахмедов**. — Танловнинг вилоят босқичига етиб келишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Бугунги иштирокчилар мана шу синовлардан дадил ўтиб келишган ёшлар ҳисобланади. Бунёд Имомалиев уларнинг бири. Билмадим, томошбинларнинг салобати босди-ми, у бироз шошди. Ҳали шартлар олдинда.

Кўрик-танловнинг иккинчи — нотиклик маҳорати шартига ҳам етиб келдик.

Оққўрғонлик иштирокчи **Акмал Турсуналиев** Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини, бекободлик иштирокчи **Жалолиддин Умиров** «Темур тузуқлари» китоби мазмун-моҳиятини маҳорат билан очиб беришди. Айниқса, томошбинлар бўстонликлик иштирокчи **Назира Абдухалиқованин** ахборот хуружларининг ёшлар онига таъсири ҳақидаги чиқишини олқишладди.

Учинчи шартда ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш шартини янада яхшилашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар намойиш этилди.

— Мен яшаётган Гулистон ҚФЙ «Ибрат» маҳалласида болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт комплекслари ташкил этилмаган, — дейди **зангиоталик иштирокчи Нигматилла Абдуқўқоров**. — Болалар футбол ўйнаш учун мактабга боришди. Маҳалламиз ҳудудда фойдаланилмаётган бўш жой бор. Мен ана шу жойда спорт комплекси ташкил этмоқчиман...

Сарҳисоб палласи ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаси эълон қилинди. Унга кўра, **зангиоталик иштирокчи Нигматилла Абдуқўқоров биринчи, оққўрғонлик Акмал Турсуналиев иккинчи, оҳангаронлик Феруза Дадажоновна учинчи ўринни** эгаллади.

Шунингдек, **Олмалик шаҳридан Шаҳноза Бакирова «Энг зукко иштирокчи», Бўка туманидан Чарос Бойқўзиёва «Энг самарали ижтимоий лойиҳа», Қибрай туманидан Элбек Ашуров «Энг яхши нотик» номинациялари бўйича тақдирланди.**

— Ёшларга ҳавасим келади, — дейди **Тадбиркор аёл уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Малика Қодирхонова**. — Улар бизнинг келажакимиз, ишончимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Бугунги танлов иштирокчиларининг фаоллиги, билими ва иқтидорларини кўриб бунга яна бир бор амин бўлдик. Уларни баҳолаш осон бўлгани йўқ. Ҳар бири ўз маҳорати, билимини намойён қила олди.

Термиз давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейда кўрик-танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи ўтказилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши ва вилоят



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Дастлабки босқичларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ йигит-қизнинг иштирок этгани ҳам бунинг яққол ифодасидир.

партия ташкилоти масъул ходимлари, депутатлар, ёшлар, фаоллар, сиёсатшунослар, экспертлар иштирок этишди. Тантананан ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Чори Жумақуллов кириш сўзи билан очди ва иш-

тирокчиларга омад тилади. Ёшлар масалалари, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ЎзХДПнинг Сайловолди ва Ҳаракат дастурларидан белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ қилиш шартлари бўйича 14

нафар ёш партиядошимиз уч шарт бўйича ўзаро беллашди. Уларнинг қасанчилиги, сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва бошқа йўналишдаги лойиҳалари ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутиши мумкинлиги таъкидланди.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги кенг тантана қилинадиган йилда ўтказилган кўрик-танлов ўзига хос байрам тусини олди, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Камол Абдуллаев**. — Дастлабки босқичларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ йигит-қизнинг иштирок этгани ҳам бунинг яққол ифодасидир. Энг муҳими, «Ёш сиёсатчи

— 2016» кўрик-танлови давомида ёшларнинг 100 нафардан ортиғи партиямиз сафига қабул қилинди.

Термиз туманидаги Халқобод транспорт касб-хунара коллежи ўқитувчиси **Дилмурод Усмонов** 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринлар эса Термиз шаҳридан **Шоира Азимова** ва **Жарқўрғон туманидан Аскар Қоракўлова**га насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулрух ОДАШБОВЕВА, Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

■ «ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКISTONIM!»

Тинч ва озод юртда юксалиш, бунёдкорлик бўлади

Бугун бутун Ўзбекистон бўйлаб улғун айём шуқуҳи кезиб юрибди. Юртдошларимиз қалбида ҳаётдан розилик туйғуси жўш урмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳамкорлигида жойларда қатор маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларда партия фаоллари, сиёсатчилар ҳамда кўпни кўрган нурунийлар иштирок этиб, истиқлолнинг қадр-қиммати, халқимиз тақдирининг аҳамияти ҳақида фикрлар билдиришмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашида ўтказилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, туман партия ташкилотлари масъул ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар, байрамга тайёргарлик кўриш бири бозор иқтисодиёти шароитида партиянинг иштироки хусусида атрофлича фикр алмашилди.

— Ҳаммамиз катта ҳаяжон ва қувонч билан кутаётган Мустақиллик байрами арафасида беҳлиёр

босиб ўтган йўлимиз ҳақида ўйлаймиз, — дейди **тарих фанлари доктори, профессор Равшан Сангиров**. — Мустақилликка эришиш арафасидаги ўта оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол, қалтис сиёсий вазият ёдга тушади. Бир-биридан чигал ва мураккаб муаммолар гирдобидан чиқиб кетганимиз, тўри йўлни топиб олганимиз ҳар биримизнинг қалбимизда фахрийфтор туйғуларини уйғотади. Ушанда, энг асосий вазифалардан бири бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини қутилмаган ижтимоий муаммолардан асраб қолиш эди.

Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор

муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжман қисмини қўллаб-қувватлаш, шу орқали ижтимоий барқарорликни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Гарчи ўша пайтларда мамлакат иқтисодиёти у қадар бақувват бўлмаса-да, биринчилардан бўлиб иш ҳақи, ёшга доир нафақалар, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар молиялаштирилди. Ишлаб чиқариш тараққий этиб, иқтисодиётда хусусий мулк улуши ортиб борди. Бугун барча соҳада оқилона ва босқичма-босқич олиб борилган сиёсат халқимизга қийинчиликларни бирин-кетин енгиб ўтиш, ривожланган давлатлардаги тараққийёт билан бўйлашиш имконини берди. Буни қадрига етишимиз керак, албатта.

— Тинч ва озод юртда юксалиш, бунёдкорлик бўлади, эл-улус хотиржам яшайди, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Лола Илиева**. — Тасаввур қилайлик, Мустақилликдан олдинги даврда шаҳарларимиз кўриниши қандай аҳволда эди, кишлоқларимиз аҳолиси?... Ёки таълим, тиббиёт соҳасини

Йиғилишда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларида партиянинг иштироки хусусида атрофлича фикр алмашилди.

олайлик, кечаги аҳвол билан бугунгисини қийслаб, ҳулоса чиқарайлик...

Энг улғун, энг азиз байрам арафасида халқимиз эришган ютуқлар ҳақида гап кетганда, энг аввало, аёлларнинг жамиятдаги нуфузи ошиб, иқтидор ва имкониятларини намойён этиши учун кенг шароит яратиб берилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугун давлат ва жамият бошқаруви, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, тиббиёт, таълим, қўйинги, барча жабҳада хотин-қизларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Истиклолимиз берган имкониятларнинг ёрқин кўриниши ҳам шу аслида.

— Мустақилликка эришиш йўлида дуч келинган қийинчиликлар ҳақида устозларимиз, буви-боболаримиздан кўп эшитамиз, — дейди **ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш сектори мудири Жасур Аскар**. — Истиқлол йилларида эришилган ютуқларни эса ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани фикримиз тасдиқидир. Биз мана шу шуқуҳли кунларнинг қадрига етиб, Ватанимиз ривож, юрт тараққийотида муносиб ҳисса қўйишга интилишимиз керак.

Гулрух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

Бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади

Бугун партия тизимида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, фаолиятини янада кучайтириш масаласига қай даражада эътибор қаратилаяпти? Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун нималар талаб қилинади?

ЎзХДП Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори ходими Хуршид Хасановга шундай саволлар билан мурожаат қилдик.

— Аҳолининг муайян қатлами манфатларини самарали ҳимоя қилиш қатор оммиларга боғлиқ. Айниқса, партиямиз тизимидаги бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутаяди. Ҳеч шубҳасиз, улар фаолиятини кучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий максадларини самарали амалга оширади.

Айни кунда ЎзХДПнинг 9933 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг зиммасига юкланаётган вазифалар кўлами кенг албатта.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун бир қатор меъёрий асослар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Хусусан, «ЎзХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини таҳлиллий ўрганиб борамиз, яхши фаолият юритаётган қуйи бўғинлар тажрибасини оммалаштиришга ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, маҳаллий партия кенгашлари қуйи бўғин ишини тизимли ташкил этиш, етакчилар салоҳиятини ошириш борасида муайян натижаларга эришмоқда.

Ҳар ойнинг охириги шанбаси «Бошланғич ташкилотлар куни», деб белгиланган. Шу куни туман партия кенгаши раиси, раис ўринбосари, кенгашнинг бошқа масъул ходимларини, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатларимизни изласангиз, бошланғич ташкилотлардан топасиз.

Партия фаоллари бевоқифдан куйи бўғинга бориб, етакчилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатилади. Шу билан бир қаторда, малакасини оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказишадди.

Сўнгги вақтларда турли семинарлар, давра суҳбатлари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни бошланғич партия ташкилотларида ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ўз ишини замон талабларига мувофиқ тарзда олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари ҳақида гап кетганда, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги БПТлар фаолиятини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Мисол учун, партиямизнинг айрим минтақавий кенгашлари бошланғич ташкилотлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўймаган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туман партия кенгашлари, тафтиш комиссияси, тарғибот гуруҳи, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳлари бошланғич ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатилиши зарур. Бу бошланғич ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан бирга, қуйи бўғин етакчилигига дунёқарашли кенг, мустақил фикрлайдиган, жамоатчилик билан ишлаш ва ташкилотчилик қобилияти юқори, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган кишиларни сайлаш керак.

Худудлардаги электротизимини ўйлантираётган айрим муаммоларни барча даражадаги депутатларнинг ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг куч ва имкониятларини бирлаштириш орқали ечиш мумкин. Буни биздан замоннинг ўзи талаб этмоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Лазиза ШЕРОВА эзиб олди.

ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИК

■ Ўн йил аввал Тошкентда Марказий Осиёдаги дастлабки Конфуций институти ташкил этилди. Яқинда эса шундай иккинчи институт Самарқандда очилди.

Хитой ва Ўзбекистон
халқлари

Буюк ипак йўлининг шонли тарихини биргаликда яратган



Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзе билан суҳбат:

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги бугунги муносабатларни қандай баҳолайсиз?

— Буюк ипак йўлида жойлашган икки қадимий давлат — Хитой ва Ўзбекистонни узоқ йиллардан буён дўстона муносабатлар боғлаб туради. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик кўлами мунтазам кенгайиб, халқларимизнинг аънавий дўстлигини янги мазмун-моҳият билан бойитмоқда. 1996 йилнинг июль ойида икки давлат «дўстона муносабатларни ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида мустақамлаш», 2005 йилнинг майда эса «хар томонлама узоқ муддатли дўстона ҳамкорлик ва шерикликни» ривожлантиришга қарор қилди. 2012 йилнинг июнь ойида Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

2014 йил август ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Хитой билан Ўзбекистон ўртасида тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ҳамда умумий хавфсизликни таъминлашга қаратилган стратегик шерикликни ўрнатишга қарор қилди. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ШХТ доирасидаги учрашувлари мунтазамлик касб этмоқда. Масалан, 2015 йилда Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари икки марта учрашиб, бир марта телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарларининг мустақам дўстлиги ва самимий муносабатлари Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар, шунингдек, хавфсизлик соҳаларида ҳам икки томонлама ҳамкорлик борасида салмоқли натижаларга эришилди, БМТ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида Пекин ҳамда Тошкент ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мунтазам кенгайиб бормоқда.

— Шу кунларда Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи кутилмоқда. Сизнингча, Хитой-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришда мазкур ташриф қандай аҳамият касб этади?

— Яқин дўст ва ҳамкорлар бўлган Хитой ва Ўзбекистон халқлари Буюк ипак йўлининг шонли тарихини биргаликда яратган. Бугунги кунда бу икки мамлакат амалий ҳамкорлик асосида гуманитар алоқаларни ривожлантирмоқда ва бу борада «Буюк ипак йўлининг иқтисодий «белбоғи»ни яратиш имкониятидан фойдаланган ҳолда, Шарқ ва Ғарб ўртасида иқтисодий ҳамкорликка, цивилизацияларнинг ўзаро бойиши ва бутун инсониятнинг ривожланишига кўмаклашиш йўлида

биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хитой — Ўзбекистон алоқалари икки томонлама муносабатларнинг мутассил чуқурлашиб бораётгани тўғрисида янада кенгаймоқда. Хар икки мамлакат бугунги кунда давлатлараро муносабатларни янада мустақамлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бундай фурсат эса келди. Шу боис икки давлат раҳбарлари бу борадаги муҳим қарорларни ўз вақтида қабул қилади, деб ўйлайман. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ШХТ саммитида иштирок этиш учун Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келади. Саммит доирасида Си Цзиньпин ва Ислам Каримов турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашади. Ишончим комилки, бу галги ташриф Хитой — Ўзбекистон муносабатларини янада кенгайтиришга ҳамда давлатлараро дўстлик муносабатлари тарихида янги саҳифа очади.

— Хитой билан Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида қандай ютуқларга эришмоқда?

— Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўзига хусусиятларга эга. Мамлакатларимиз табиий ресурслар

савдо ҳажми мутассил кенгайиб бормоқда. Инвестициялар ва ишлаб чиқариш қувватлари соҳасидаги ҳамкорлик сифати ва даражаси ҳам ўсмоқда. Бу борада энергетика, инфратузилма ва коммуникация тармоқларидаги стратегик лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда нефть ва газ қидириш, қувуриш, транспорт инфратузилмасини қуриш, телекоммуникациялар, тўқимачилик, ирригация ва янги энергия манбаларини барпо этиш соҳасида Хитойнинг 600 дан ортиқ корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўналишлари кузатишмоқда. Хусусан, «Жиззах» махсус иқтисодий зонаси фаолияти узлуксиз кенгайиб бормоқда, «Ангрен-Поп» темир йўл туннели муваффақиятли қуриб битказилди.

— Савдо-иқтисодий соҳада Хитой билан Ўзбекистон ҳамкорлиги қандай истиқболга эга?

— Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан сўнг ўтган 25 йил давомида мамлакат янги ички маҳсулоти 8 фоизли ўсиш суръатини сақлаб қолди, ташқи савдо ҳажми ошди ва саноат ҳамда қишлоқ-ҳўжалиги муваффақиятли модернизация қилинмоқда, иқтисодий тараққиёт натижалари кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Бугун Ўзбекистон глобал иқтисодиётнинг пасайишига қарамадан миллий иқтисодиётини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштиришни иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳати сифатида қўриб чиқмоқда. Ўзбекистонда амалга

пахтани шу ернинг ўзида қайта ишлашга ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли Хитойнинг тўқимачилик саноати корхоналари Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантириш имкониятига эга. Ўзбекистон саноат парklarини қуриш, хусусан, «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида саноат паркни барпо этиш лойиҳаларини илгари сурмоқда. Хитой корхоналари мазкур имкониятлардан кенг фойдаланиши мумкин.

Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақамлашмоқда. «Буюк ипак йўли иқтисодий «белбоғи»нинг биргаликда барпо этилиши икки мамлакатларимизнинг прагматик ҳамкорлиги қилиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Айни пайтда томонлар инфратузилмани барпо этиш, саноат парklarини соҳасида ҳамкорлигини дастлабки ижобий натижаларга эга бўлди. Томонларнинг фикрича, «Буюк ипак йўли иқтисодий «белбоғи»нинг биргаликда барпо этилиши икки мамлакат ҳамкорлигининг асосий йўналишига айланиши лозим ва бу икки мамлакат халқлари фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши ҳамда минтақавий ривожланишга кўмаклашиши лозим.

— Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик қандай амалга оширилмоқда?

— «Буюк ипак йўли иқтисодий «белбоғи»ни биргаликда қуриш икки давлат халқлари тараққиётининг устувор йўналишига айланди. Икки мамлакат ўртасида маданий алоқалар борасида ҳам муайян натижаларга эришилди.

Ун йил аввал Тошкентда Марказий Осиёдаги дастлабки Конфуций институти таш-

олиқишига сазовор бўлди. Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида юқори технологиялар ва археология соҳасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб, икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигининг асосига айланди. Синьцзян қишлоқ ҳўжалиги университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети Хитой — Ўзбекистон ташлиб марказини ташкил қилди. Бундан ташқари, «Хуавэй» компанияси Тошкент ахборот технологиялари университети кўмагида ахборот ва тармоқ технологиялари факультетини ташкил этди. Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистонда доривор препаратлар тадқиқот марказини, шунингдек, қўлаб қўллаган лабораторияларни ташкил қилди ва Ўзбекистон билан қўшма тадқиқотларни амалга ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди.

Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда археологик тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурдаги Археология бўлими ва Хитой Шимоли-ғарбий университети билан биргаликда икки гуруҳ археологлари айни пайтда Андижон вилоятидаги Мингтепа қалъасида, шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудида қадимги халқлар меросини ўрганиш мақсадида қазилма ишларини олиб бормоқда.

— ШХТнинг ривожланиши ва истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— ШХТ ташкил этилгандан буён ўтган 15 йилда барча соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди, халқаро ташкилотнинг янги модели шакллантирилди. Халқаро ҳамкорлигининг ривожлантиришга қодир ва бу ҳамкорлигининг механизмларида бири бўлган ШХТ яқин қўшничилик, дўстлик, самарали шериклик, очкилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик намунасига айланди. ШХТ таъсири мутассил кенгайиб бормоқда, ташкилот олти аъзо давлат, олти кузатувчи мамлакат ва мулоқот бўйича олти давлатдан иборат «катта оила»га айланди. БМТ, МДХ, АСЕАН ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга кўмаклашувчи фаол кучга айланди. Ўтган йили Уфада ШХТ саммитидан сўнг аъзо давлатлар 2025 йилгача бўлган даврда ШХТни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга киришди, ШХТнинг экстремизмга қарши конвенцияси, Наркожиноятчиликка қарши стратегиясини тайёрлашни фаолаштирди, савдо ҳамда инвестицияларни соддалаштириш чораларини муҳокама этди, ташкилотни янада ривожлантиришнинг мустақам асосларини ишлаб чиқди. ШХТга раислик қилаётган Ўзбекистон Тошкент саммитини муваффақиятли ўтказиш учун қўлаб самарали ишларни амалга оширди. Саммитда ташкилотни янада ривожлантиришнинг муҳим режаси ишлаб чиқилди. Хитой ШХТ доирасида барча мамлакатлар билан қўш томонлама ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади ва улар билан биргаликда ташкилотнинг Тошкент саммити самарали ўтиши учун ҳаракат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Мухаммадjon ОБИДОВ суҳбатлашди.

2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА ВА
БОЛА ЙИЛИ

Шу кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида тиббий кўрик ўтказилмоқда.

«Ҳеч ким
меҳр ва
эътибордан
четда
қолмасин»

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам мазкур акция юқори савияда ташкил этилди. Унда ўнлаб мутахассислар аҳолини малакали тиббий текширувдан ўтказишди.

Хусусан, Чилонзор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 37-оилавий поликлиника хизмат кўрсатадиган ҳудудда истикомат қилаётган 400 нафардан ортиқ фуқаролаштирилган тиббий кўрикка жалб қилинди.

— Тиббий текширувлар замонавий диагностика асбоб-ускуналари ёрдамида ўтказилмоқда, — дейди 37-оилавий поликлиника бош шифокори Дилобар Саидхонова. — Тадбир давомида энг аввало пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, ёлғиз кексалар, болалар, фертил ёшдаги аёлларга эътибор қаратилмоқда. Кўрик пайтида бирор-бир касаллик аниқланган ҳар бир бемор учун махсус даволаш ва реабилитация режалари белгиланмоқда. Шунингдек, аҳолининг амбулатор шaroитда, туман, шаҳар шифохоналари ҳамда республика даволаш-профилактика муассасаларида даволаниши назоратга олинади.

— Тиббий кўрик давомида диспансер ҳисобида турвчи беморлар, ногиронлар, ёшлар ва хотин-қизларга зарур ёрдам ва тавсиялар берилди, — дейди 37-оилавий поликлиника шифокори Сайёра Казакова. — Бу каби кўриклар жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, профилактика чора-тадбирларни сифатли ташкил этишга хизмат қилади.

Бу каби тадбирлар аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, айниқса, болаларнинг соғлом камолга етишида долзарб аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги филиали Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдин мослаштириш ва ўқитиш маркази

СОАТБАЙ АСОСИДА КОРЕЙС ТИЛИДАН ДАРС БЕРИШГА ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМГА ТАЛЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Номзодлар қуйидаги талаблар асосида қабул қилинади:

- корейс тили мутахассислиги бўйича олий таълим муассасасининг бакалавр (магистр) дипломи;
 - Тошкент шаҳрида доимий (вақтинчалик рўйхатга туриш) яшаш;
 - тавсиянома;
 - корейс тилидан дарс бериш методикасига эғалиги.
- Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй манзили бўйича Агентлик умумий бўлимига 2016 йил 22 июнга қадар қабул қилинади.

Ўзбекистон
саёҳат қилиш тавсия
этиладиган 10
мамлакат қаторидан
жой олди

National Geographic Traveler журнали сайёҳлар учун саёҳат қилиш тавсия этиладиган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатнинг 6-погонасини Ўзбекистон банд этди, деб хабар беради Uz24.uz сайти.

National Geographic Traveler тақдимига кўра, Ўзбекистон сайёҳат учун энг хавфсиз жойдир. Шунингдек, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар ислом оламида энг қадимий обидалардан эканлиги, мустақиллик йилларида бу тарихий бинолар қайта таъмирланганлиги ҳақида хикоя қилинади. Ўзбекистон нафақат гўзал табиати ҳамда тарихий обидаларга бойлиги, балки ўзбек халқининг меҳмондўстлиги билан ажралиб туради, дея қайд этилади ушбу нашрда.

National Geographic сайёҳларга Ўзбекистонга борганда албатта, унинг дунёга машҳур бўлган миллий тоғларидан, айниқса, палов ва лағмондан татиб кўришни маслаҳат берган.

Янги уйлар
эгаларига топширилди

Самарқанд шаҳрида бунёд этилган 48 хонадондан иборат «Камолот» уйи турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларга тақдим этилди. Шунингдек, Каттақўрғон шаҳри ҳамда Пайарик туманидаги ёш оилаларга ҳам янги уйларнинг қалити топширилди.

Президентиимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида 2015 йилда Жомбой, Иштихон ва Пастдарғом туманларида қурилган ҳар бири 64 хонадондан иборат ана шундай уйларда айни пайтда 200 га яқин ёш оила бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий сайти берган маълумотга кўра, 2017 йилда вилоятнинг уч ҳудудида 144 ёш оилага мўлжалланган «Камолот» уйлари қурилиши режалаштирилган.

«Хукумат
болалар
нигоҳида»
веб-сайти ишга
туширилди

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали доирасида «Хукумат болалар нигоҳида» веб-сайти (www.kids.gov.uz) ишга туширилди.

Мазкур веб-сайт Соғлом она ва бола йилида ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, болаларни «Давлат» ва «Хукумат» тушуначалари, шунингдек, Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотлар билан яқиндан таништириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини шакллантириш мақсадида яратилди.

Мазкур веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда «Узинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази томонидан ишлаб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Хукумат портали хабар бермоқда.

Веб-сайт 6-12 ёшдаги болалар учун мўлжалланган. Ундан бошланғич синф ўқувчилари дарс жараёнида фойдаланишлари ҳам мумкин. Мазкур веб-сайтдаги маълумотлар содда матнлар ва расмлар ёрдамида ифодаланган.



Урганч шаҳридаги «UzXCMG» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида замонавий гидравлик экскаваторлар, бульдозер ва бошқа қурилиш техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда бу ерда 50 нафардан зиёд ишчи доимий меҳнат қилмоқда.

қазиб олиш ва ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирини қўллаб келмоқда. Хитой катта ҳажмда маблағ, юқори даражада ривожланган ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлса, Ўзбекистон табиий ресурсларга, ишчи кучига бой ва шу билан бир қаторда саноатни модернизация қилишда манфаатдор. Мамлакатларимиз ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борада инвестиция сарфлаш учун барча имкониятларга эгадир. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик «Буюк ипак йўлининг иқтисодий «белбоғи»ни биргаликда яратиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик самарасида янги босқичга кўтарилмоқда. Икки томонлама

оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари маълум даражада Хитойнинг ишлаб чиқариш қувватларини четга чиқариш бўйича саъй-ҳаракатларига моч келади. Бу эса Хитой — Ўзбекистон корхоналарининг ҳамкорлигини мустақамлаш учун кенг имкониятлар яратади. Масалан, Ўзбекистонга темир йўл тармоқлари ва локомотивларни модернизация қилишда хар томонлама ёрдам берилмоқда ва бу борада икки давлат ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон қуёш энергияси ресурсларига бой мамлакат бўлиб, бу ерда ушбу кўрсаткич 50 миллиард тонна нефтьга тенгдир. Ўзбекистон пахта экспортини кенгайтириш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш учун

кил этилди. Яқинда эса шундай иккинчи институт Самарқандда очилди. Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа қатор олий ўқув юртиларида хитой тили факультетлари, мактабларда эса хитой тилини ўрганиш синфлари ташкил этилди. Хитой тилини ўрганаётган ўзбекистонликлар «Хитой кўприги» таловида ажойиб ютуқларини намойиш этмоқда. Хитой Марказий миллатлар университети, Шанхай хорижий тиллар университети ва Шимоли-ғарбий миллатлар университетида эса ўзбек тили ўқитилмоқда. Хитой томонидан Ўзбекистонда ташкил этилаётган «Чунъэ байрамни нишонлаш», «Хитой киноси кунлари» ва бошқа тадбирлар кенг омма-лашган. Синьцзян, Хэнан ва Гуансида гуруҳларнинг чиқишлари Ўзбекистонлик томошабинлар

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»
ГАЗЕТАСИ ФОТО
КЎРГАЗМАСИ

■ Бугунги Фарғона қалбларга фахр-ифтихор бағишлайди. Бугунги Фарғона кўнгилларни тоғдай кўтаради. Бугунги Фарғона... Келинг уни яхшиси биргаликда томоша қилайлик.

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Бугунги Фарғона эса икки тарафда ҳашаматли иморатлар кўкрак кертган, кенглиги, гўзаллиги жаҳон андозаларига жавоб берадиган кўча ва хиёбонлардан, гулзорлардан иборат замонавий, гўзалдан гўзал шаҳар.

Туман марказлари ҳам ундан қолишмайди.

Истиқлол вилоятнинг меъморий, иқтисодий, ижтимоий қиёфасини эмас, фарғоналикларнинг руҳиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Кечагина суянган иш қуроли кетмон бўлган аҳолини тадбиркорга, ишбилармонга, бунёдкорга айлантди. Ёқилги-энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳалар бўйича

мамлакатда етакчилик мақомига эришди.

Ўтган йилнинг ўзида хорижий сармоя иштирокидаги 29 янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сонини 155 тага етказди. Натижада 147 турдаги маҳсулотлар жаҳоннинг 100 га яқин давлатларига экспорт қилинмоқда.

2015 йили вилоятда пахта толаси, қора ва рангли металллар, озиқ-овқат, хизмат ва сервис, кимё маҳсулотлари, калава ип ва текстил тармоқлари бўйича 467,4 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. 414 минг тонна картошка, 71 минг тонна полиз маҳсулотлари, 113 минг тонна узум етиштирилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида 3881 лойиҳа амалга

оширилиб, 23 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. 2016 йилнинг биринчи чорагида 707 янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сонини 19 минг 167 тага етказди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона яшнамоқда, юксалмоқда.

Юртбошимизнинг «Фарғона — Марказий Осиёнинг гавҳари» деган таърифи бугун ҳар бир фарғоналикка ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Ўтмиш асратларидан бутунлай озод этилган бугунги Фарғонанинг жамолига тикилиб, кўз тўймайди, таърифлашга сўз етмайди. Сўлимдан сўлим, гўзалдан гўзал, чиройдан тенги йўқ бугунги Фарғона...

Бунга эса суратлар гувоҳ.

(Суратлар муаллифи: Муқимжон ҚОДИРОВ)

◀ Давом. Бошланғич 1-бетда.

ФАРҒОНА: БУГУН ВА КЕЧА



Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний боғининг бугунги қиёфаси ҳамда ўтмиши.



Фарғона туманидаги мактаблар: Бугун ва кеча.



Фарғона шаҳридаги Каштанлар хиёбони ҳозир ва ўтмишда.



Сув спорт саройи: янгиси ва эскиси.



Марғилондаги Пирсиддиқ зиёратгоҳи ҳозир ва яқин ўтмишда.



ТАДБИР



Оромгоҳга жалб этилмаган ўқувчиларнинг 200 дан зиёд турли хил қизиқарли спорт мусобақаларига жалб этиш мақсадида манзилли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уларга 28347 нафар ўқувчи камраб олиниши белгиланган. Ёзги таътил пайтида таълим муассасаларида ташкил этилган тўғрақлар ҳамда янги йил кўнраб олиниши белгиланган. Ёзги таътил пайтида таълим муассасаларида ташкил этилган тўғрақлар ҳамда янги йил кўнраб олиниши белгиланган.

Мавсум мобайнида шанба, якшанба кунларидан ташқари фаолият кўрсатадиган ушбу оромгоҳларда 16000 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган бўлиб, ҳар бир оромгоҳда 8-12 тагача спорт ҳамда чет тили тўғрақлари ташкил этилди.

Ёзги ўқув амалий машғулотлар даврида 228 мактаб қошида спорт-соғломлаштириш майдончаларидаги 2033 спорт секцияларига 40 мингдан зиёд ўқувчи камраб олинади. Уларда душанба — жума кунлари 1-6 синф ўқувчилари 8:30 дан 12:00 гача,

Ташкент шаҳар ҳокимлигида ёзги таътил вақтида оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Хусан Эрматов оммавий ахборот воситалари вакилларига жорий йилда пойтахт туманларида барча шароитларга эга бўлган 36 мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилгани ҳақида ахборот берди.

Мактаб оромгоҳлари

7-8 синф ўқувчилари 14:30 дан 17:00 гача шуғулланади. «Китоб олами» савдо мажмуи билан ҳамкорликда бир қатор интеллектуал ўйин ва тадбирлар ўтказиш ҳам дастур доирасидан ўрин олган.

Ёзги таътил даврида овқатланиш учун тузилган таомномага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, санитария-эпидемиология вакиллари томонидан тақдим этилган таомнома бўйича болаларнинг кунлик овқатланиш рақисини белгиланган тартибда бериб борилади. Ёзги оромгоҳларга нафақат Тошкент шаҳри, балки

республиканинг бошқа ҳудудларидан ҳам ўқувчилар жалб қилиниши режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикасидан келган 350 нафар ўқувчи Тошкент темир йўл вокзалида кутиб олиниб, оромгоҳларга жойлаштирилди. Мавсум мобайнида оромгоҳларда жами 43 мингдан зиёд ўқувчи ёшларни соғломлаштириш режалаштирилган.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Охунжон ХУШВАҚТОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Агробанк»ка бўлган



ИШОНЧ тобора ортиб бормоқда AGROBANK

«Агробанк» АТБ аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бунинг натижасида янги ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, ташкил этилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дурдона Наврӯзовада касб-хунар коллежини тамомлаш арафасида тадбиркорлик билан шуғулланиш гоёя тугилди. Устозлари, шу соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб, бизнес-режа тузишга киришди.

— Бизнес-режа аҳолининг полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган эди, — дейди Дурдона. — Мутахассислар тавсиясига кўра, яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ҳужжатларимни «Агробанк» АТБнинг Навбахор туман филиалига тақдим этдим. Банк мутахассислари томонидан лойиҳам атрофлича ўрганилган, менга 15 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Мазкур маблағ эвазига иссиқхона ташкил қилдим.

Бугунги кунда аҳолига сифатли полиз, сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳозирда уч нафар тенгдошимни иш билан таъминлаганман. Келажак режаларим улкан. Тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганман...

Банк фаолиятини бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, ёш йигит-қизлар ўз ишини бошлаб, оиласи иқтисодига муносиб улуш қўшмоқда. Ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

томонидан лойиҳа атрофлича ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг кредит берилди. Ушбу маблағ эвазига IDM дастурига асосан йўлак плитчалари ишлаб чиқаришни бошладим. Ҳозирда маҳсулотларимиз ички бозорда ўз харидорларига эга бўлмоқда. Махсус буюртмалар ҳам олаёلمиз. Ишлаб чиқариётган маҳсулотларимизни бошқа вилоятларга ҳам чиқаришни режалаштираялми.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мазкур корхона аҳолининг арзон ва сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабини қондиришмоқда.



Хизматлар лицензияланган.

«Afruzaxon Navoiy» масъулияти чекланган жамиятнинг ривожланиши, сифатли маҳсулотлар етказиб беришида «Агробанк» АТБ ҳудудий филиали мўҳим ўрин тутди. Асосий фаолияти аҳолига қурилиш моллари етказиб бериш бўлган ушбу корхонага 200 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

— Анча вақтдан буён фаолиятимизни кенгайтириш ҳақида ўйлаб юрардим, — дейди корхона раҳбари Фурқат Тўраев. — Аммо бунинг учун етарли маблағим йўқ эди. Шу боис пухта бизнес-режа тузиб, «Агробанк»ка тақдим этдим. Қисқа фурсат ичида филиал кредит комиссияси

«Afruzaxon Navoiy» МЧЖ томонидан 8 киши иш билан таъминланган бўлиб, корхона фаолиятини кенгайтириш орқали яна қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» АТБнинг Навойи вилоят бошқармаси томонидан бизнес-режаларни молиялаштириш, тадбиркорларга кенг имконият яратиш, теъдор банк хизматлари кўрсатиш борасида катта тажриба тўплаган. Бунинг натижасида банк миқозлари кўн сайин кўпайиб, уларнинг «Агробанк»ка бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Банк матбуот хизмати.

ЭЪЛОН

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2016 йил 2 апрель 39-сонида берилган эълондаги «АММОФOS МАХАМ» АХ балансидаги д/р 10/3932АА бўлган «ГБА-Нексия-СНГ» русумли автотранспорт воситасини ушбу ташкилотнинг 2016 йил 15 июндаги 1822/28-сонли хатига ҳамда 2016 йил 16 апрелдаги 45-сонида берилган эълондаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисм балансидаги д/р 10/851ААА бўлган «ГАЗ-330900» ва д/р 10/830ААА бўлган «УАЗ-3962» русумли автотранспорт воситаларини ушбу ташкилотнинг 2016 йил 15 июндаги 04-02/688-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарь вилоят ва Қарши шаҳар кенгаши партия фаоли, меҳнат фаҳрийси Худойкул ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



ЎЗБЕКISTON
ХАЛО ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh муharrir: Сафар ОСТОНОВ

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:30
Toshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

4 7 7 2 0 1 0 7 6 3 0 0 4

1 2 3 4 5